

Кесилган шох



18:30 / 21.05.2021 3245

Бу шунчаки дарахт эмас, бу одамлар учун сабоқ.

Ушбу дарахт Венгриядаги Бюкк тоғ тизмасида йўл бўйлаб ўсади. Кўп йиллар олдин кимдир ингичка шохнинг пастки қисмини кесиб ташлаган эди. Лекин ўша шох ўлмади. Чунки уни қўшни дарахтнинг "қўллари" ушлаб туради ва боқади.

Ҳар баҳорда улар биргаликда гуллаб-яшнайдилар, қуёшнинг ёзги илиқлигидан баҳраманд бўлишади ва кузда бирга уйқуга ётишади. Кўп йиллардан бери шундай.

Биз мўмин-мусулмонлар ён атрофимиздаги қариндошлар, қўшнилар, дўстлар орасидаги қийналган диндошларимизга ёрдамимизни аямасак, дуо, пул, хизмат кабилар билан уларни йўқласак, иншаа Аллоҳ, Роббимиз

бизга ёрдам беради. Бу ҳақида ҳадиси шарифларда маълумотлар келган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди, уни ташлаб ҳам қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилади. Ким бир мусулмоннинг ташвишини аритса, Аллоҳ унинг Қиёмат кундаги ташвишларидан бирини аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ Қиёмат кунда унинг айбини беркитади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишаган.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади